

АХСИ ВА НАМАНГАН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ИСҲОҚХОН ИБРАТНИНГ РОЛИ

Бахром Джамолович Джалолов.

Наманган давлат чет тиллари институти ўқитувчиси

Абдулхусайн Абдулахатович Умаров

Ўш Давлат Университети халқаро бўлим координатори

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.21060056>

***Аннотация:** Ушбу мақолада Ахси ва Наманган тарихини ўрганилиши ҳамда бу мавзуда Исҳоқхон Ибратнинг олиб борган тадқиқотлари ҳамда унинг Фарғона водийси тарихига доир илмий мулоҳазалари таҳлил қилиб берилган. Шунингдек, Ахсикентнинг кўҳна тарихи, Тўрақўрғоннинг Наманган тарихида тутган ўрни ва Наманганнинг келиб чиқиши тарихини тадқиқ қилишда Исҳоқхон Ибрат асарларининг тутган роли ҳақида баён қилиб берилади.*

***Таянч сўз-иборалар:** жади́дчи́лик, ношир, педагог, этнография, тарих, ўзлиги англаш, Мақарри ҳукумати, волост, археология, таълим-тарбия, тилишунослик, адабиёт, тарих, археология, маданиятишунослик, санъат.*

РОЛЬ ИСХАКХАНА ИБРАТА В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ АХСИ И НАМАНГАНА

Бахром Джалолов

Преподаватель Наманганского государственного
института иностранных языков.

Абдулхусейн Абдулахатович Умаров

Координатор международного отдела Ошского государственного
университета

***Аннотация:** В данной статье анализируется изучение истории Ахси и Намангана, исследования, проведенные Исхакханом Ибратом по этой теме,*

и его научные наблюдения по истории Ферганской долины. В нем также описывается древняя история Аксикента, место Туракургона в истории Наман-гана и роль трудов Исхаххана Ибрата в исследовании истории происхождения Намангана.

Ключевые слова: модернизм, издатель, педагог, этнография, история, самосознание, правительство Макарри, волос, археология, образование, лингвистика, литература, история, археология, культурология, искусство

THE ROLE OF ISXAQHAN IBRAT IN STUDYING THE HISTORY OF AKHSI AND NAMANGAN

Bakhrom Djalolov.

Teacher of the Namangan State Institute of Foreign Languages

Abdulhusayn Abdulakhatovich Umarov

Coordinator of the international department of Osh

State University

Abstract: *This article analyzes the study of the history of Akhsi and Namangan, the research conducted by Ishaq Khan Ibrat on this topic, and his scientific observations on the history of the Fergana Valley. It also describes the ancient history of Akhsikent, the place of Turakurgan in the history of Namangan, and the role of Ishakkhan Ibrat's works in researching the history of the origins of Namangan.*

Key words: *modernism, publisher, pedagogue, ethnography, history, self-awareness, Makarri government, volost, archeology, education, linguistics, literature, history, archeology, cultural studies, art*

XX asr boшларида Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг жадаллик билан ривожланиб бориши ўлкада маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳаларида туб бурилиш ясади. Туркистон шаҳарлари ва қишлоқларида маҳаллий жадидлар ўз имкониятларига таянган ҳолда, қийинчилик ва тўсиқ-

ларга қарамай, ўзликни англаш, юрт озодлиги, ватан ободлиги ҳамда равнақи каби ғояларни тарғиб қилиш йўлида ўз хизматларини аямадилар.

Шулардан бири, ўз даврининг етук зиёлиси ва тарихчиси Исҳоқхон тўра Ибрат бўлиб, 1862 йил Тўрақўрғон заминида таваллуд топди. Наманганнинг таниқли фарзанди, Исҳоқхон тўра Ибрат ўз ҳаёти ва вақтини илм-фан соҳаларини ўрганишга, дунёни кўплаб мамлакатларини кезган ҳолда чуқур билимларни эгаллади. У ҳаёти давомида кўплаб фанларни, жумладан, тарих, география, тилшунослик, адабиётшунослик, этнография, наққошлик ва хуснихат сирларини жиддий ўрганиб, бу борада ўзининг нодир асарларни яратишга муваффақ бўлди. Ибрат домла шунингдек, шоир ва олим, ношир ва педагог, дин арбоби ва ислохотчи сифатида бутун илму-заккосини бор куч ва салоҳиятини Ватан ва миллат тараққийсига муносиб хизмат қилиш йўлига сафарбар этди [1.:4].

Ибрат домла ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг ”Бу улуғ маърифатпарвар инсон кўплаб илмий педагогик ва бадиий асар яратган. Ўз қишлоғида мактаб ва кутубхона очган, аҳоли учун замонавий боғ барпо қилган, унинг “Фарғона тарихи” деган машҳур асари мамлакатимиз тарихига оид нодир манбалардан биридир” дея таъкидлаган фикрлари Ибрат домланинг нечоғлик тарих фанидан улкан билим соҳиби эканлигидан ҳам далолат беради[2.:74]. Ибрат тарих ва бошқа фанларни чуқурроқ ўрганиш ва дунёдаги илм-фан ютуқларни ўз кўзи билан кўриша ҳамда тажриба орттириш мақсадида дунё бўйлаб сафарга отланганини ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, онасини ҳам ҳаж зиёратига олиб бориш ниятида дастлаб Ара-бистон томон отланади. Сафарда онаси вафот этгач, уни Арабистондаги Жид-да шаҳрида дафн этиб, 1887-1892 йилларда кўплаб шаҳарларда, хусусан, Истанбул, София, Афина, Рим, Кобул шаҳарларида сафарда бўлади. Макка шаҳридан Қизил денгиз ва Ҳинд океани орқали Ҳиндистонга етиб

бориб, 1892-1896 йилларда Ҳиндистоннинг Бомбей ва Калкутта шаҳарларида яшади ҳамда Афғонистон ва ундан сўнг Шарқий Туркистондаги Қошғарга бориб, 1895 йил Тўрақўрғонга қайтиб келади [3.:192].

Чет давлатларда саёҳатда бўлган Ибрат борган ерлардаги халқларнинг ҳаёти, маданий, илмий ва техникавий янгиликларига қизиқади. Қайтиб келган ўз билимлари ва кўрганлари асосида тарихга оид асарлар ёзади. Бу асарларида асосан Фарғона водийси шаҳарлари тарихи билан боғлиқ кўплаб маълумот-ларни келтириб ўтади. Шунингдек, унинг қадимий Ахси, Тўрақўрғон ҳамда Наманган ҳақида кўплаб илмий мулоҳазалари тарих фанини ўрганишда тарихчилар учун муҳим аҳамият касб этди. Унинг Ахси шаҳрини ўта қадимийлиги ҳақидаги “Фарғона бино бўлмасдан бино бўлган шаҳар Кубо эди, Нўширавон вақтида Фарғонанинг аксар ерларини обод қилди.. Аммо ул вақ-тида мақарри ҳукуматлари Ахсикент эди” дея билдирган қарашлари Фарғона водийси шаҳарларининг бир неча асрлик бой ўтмишга эга эканлигини яққол ифодасилир[4.:277].

“Маққари ҳукумати” атамасининг маъносига эътибор берсак, “ҳукумат жойлашган ер, пойтахт” маъносида келиши Ахсикент шаҳрининг ҳам қадимий шаҳарлар билан ёши тенг эканлигидан далолат беради ҳамда бир неча асрлар давомида муҳим марказ сифатида катта аҳамиятга эга эканлигининг муҳим белгисидир [5.:331].

Ибрат домла ўз тадқиқотларида Ахсини ики ерда бўлганлиги, бирини эски Ахси, бирини янги Ахси дейишини, яъни “эски Ахси бузилгандан сўнг қолган одамлар дарёдан қочиб, Косон тарафда баландлик биёбонга иморатлар қилиб кўп қишлоқ бўлганлар” дея таъкидлайди. Ибрат домла келтирган ушбу фикрлар янги Ахсининг қандай тарзда қужудга келганлигини асослаб беради.

У ўз фикрини давом эттириб, “Ҳозир янги Ахсида 12 қишлоқ Шаҳанд деган бозорлик бир қишлоқ ила бир болуст (бу русча волост сўзининг

маҳаллий айтилиши бўлиши мумкин-М) бўлганлиги, Эски Ахсини эса вайрон бўлгандан сўнг маҳаллий аҳоли ва подшоҳлардан ҳеч ким обод қилмагани ” ҳақида ўз изоҳини бериб ўтади[6.:27].

Маълумки, кўплаб манбаларда Ахси ҳақидаги ўз илмий мулоҳазаларини давом эттирган ҳолда, Ибрат домла Тўрақўрғоннинг нуфузи ҳамда унинг XIX охирларига қадар Фарғона водийси ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида ҳам муҳим ва қизиқарли далилларни келтириб ўтади. Чор Россияси босқинига қадар Тўрақўрғон Наманганнинг маркази ёки пойтахти бўлганлиги ҳақида ёзади [7.:326].

Ибрат домланинг ушбу фикри қанчалик ҳақиқат эканлигини бошқа бир тарихчиларнинг асарлари ҳам гувоҳлик бериши ва бу фикрни тўла қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, маҳаллий тарихчи Мирза Олим Махдум Ҳожи ўз асарида XIX аср ўрталарига қадар Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни таҳлил қилар экан, у ҳам Тўрақўрғон ҳақида шундай дейди.,”Қўқон хони Шералихон ҳукмронлиги даврида Муҳаммадназир Соқов исмли шахс Тошкентдан қайтиб келиб, қипчоқлар етакчиси Мусулмонқули ёрдамида Тўрақўрғонни эгаллаб, Қулоқ батурбошининг ўрни- га ҳокум бўлубдур[8.:326].”

Бундан кўриниб турибдики, Тўрақўрғон Қўқон хонлари даврида ҳам стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудуд сифатида эътироф этилади. Яна бир тарихчи Тарихчи Муҳаммад Азиз Марғилоний ўз китобида “Наманган 1842-1945 йилларда атрофи баланд деворлар билан ўралган шаҳар” сифатида таърифлаган эди [9.:94]. “Россия давлатига ўтгандан сўнг шаҳар бутун Намангон бўлиб, ҳокимлар ҳам, аскарлар ҳам Наманганга нақл қилиниб, Тўрақўрғон бир бўлистлик қишлоқ бўлиб қолди” дея Ибрат ўз мулоҳазаларини билдириб ўтади [10.:327].

Юқоридаги манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, XIX аср ўрталарига қадар Тўрақўрғон Наманган вилояти маркази сифатида муҳим рол ўйнаган-

лиги ва Исҳоқхон Ибратнинг мулоҳазалари анча ҳақиқатга яқин эканлигидан далолоат бериб турибди десак адашмаган бўламиз. Шу ўринда Ибрат домланинг Наманганнинг келиб чиқиши ва топонимикаси ҳақидаги фикрлари ҳам ўта маълумот сифатида ўрин эгаллайди.

Хусусан, Исҳоқхон Ибрат Наманган топонимикасининг келиб чиқиши тарихи ҳақида ўз фикрларини билдириб шундай дейди: “Бухоро хони Абдуллахон Наманган ерига келиб, бир тарафи дарё ва бир тараф тоғ хвоси яхши учун бу ерга бир шаҳар бино қилмоқ бўлуб, ўз ичларидан бир оғалиқ мансабида турган кишини амр қилиб, шаҳар қилмоқ бўлганида, ўшал ерни дарё тарафи бутун шўр кўл бўлиб ётган туз экан. Бинобарини, намак кон, яъни тузкон деб атаган экан. Бу намаккон лафзини форсийда гон қилиб ёзуб, намакконни намангон деб, бир куни зоида билан намангон бўлди, аслида намаккондур” дея шарҳлайди [11.:325].

“Намангон тўрт маҳалла бўлуб, биринчи маҳалла Сардоба маҳалласидурки, аввали Абдуллоҳ сардоба бино қилган еридур. Иккинчи маҳалласи Лаббайтоғидурки, ани важҳи тасмияси мулла Бозор охунд деган киши бор эканлар, ул кишини бир жиянлари бор экан. Ҳар икки азиз ўрталари овоз етадурғон масофат экан. Гоҳо жиянларини чақирганларида жавобан тағоларига «лаббай, тағо» деб овоз берганларида аксар кишилар ул маҳаллани «лаббай, тағо» маҳалласи деб атаб «лаббайтағо» мусаммо бўлган бир маҳалладур. Бир маҳалласини «Чукур кўча» дерларки, ул Намангонни ҳамма кўчасидин чукурроқ учун Чукуркўча тасмия бўлган” дея келтирган маълумотлари орқали Наманган кўчалари ҳақидаги юксак билимларини ҳам намоён қилади [12.:30].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Исҳоқхон Ибрат домла қолдирган илмий, тарихий мерос ва уни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодга, шунинг-дек бугунги кун ёшларига етказиб бериш ҳар бир зиёлининг маъсулиятли вазифасидир десак муболаға қилмаган бўламиз. Зеро, унинг

авлодларга қол-дирган маънавий-илмий хазинасида таълим-тарбия, тилшунослик, адабиёт, тарих, археология, маданиятшунослик, санъат бошқа кўпалб фанларга оид маълумотларни ёритганлиги унга бўлган ҳурматнинг янада ошишига хизмат қилади. Ибрат ўз қилган бекиёс илмий меҳнати билан ҳозирги ёшларга намуна ва ибрат бўла оладиган ўтмишимиздаги буюк шахслардан бири сифатида ўтми-шимиз саҳифаларини безаб турган зиёли сифатида ҳар бир ёшда фахр ва ғурур туйғусини ўйғотади албатта.

Манбалар ва адабиётлар/Источники ва литература/References

1. Жадид адабиёти намояндалари. Исҳоқхон Ибрат. Тошкент.:Zabarjad media. 2024.
2. Мирзиёев. М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Тошкент.:Ўзбекистон. 2019.
3. Халилбеков. А. Наманган адабий гулшани. Наманган.:2007.
4. Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. Тошкент.:Камалак. 1991.
5. Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. Тошкент.:Камалак. 1991.
6. Ибрат нигоҳидаги Ахсикент /Қозоқов Т ва бошқ....Тошкент.:Наврўз. 2018.
7. Исҳоқхон Ибрат. Тарихи Фарғона. Тошкент.:Камалак. 1991.
8. Мирза Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Тошкент.:Янги аср авлоди. 2009.
9. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Тошкент.:Маънавият. 1999.
10. Исҳоқхон тўра Ибрат. Ислоҳи миллат. Тошкент.:Маънавият. 2022.
11. Исҳоқхон тўра Ибрат. Ислоҳи миллат. Тошкент.:Turon-zamin. 2024.

12. Каримов. Н. Исҳоқхон Ибрат -советча қатағон қурбони.
“Водийнома”. 2017. №2 (4)